

# ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Олмосбек ЭШМУРАДОВ

Термиз давлат педагогика институти “Психология” кафедраси доценти  
в/б, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

[eshmuradovolmosbek@mail.ru](mailto:eshmuradovolmosbek@mail.ru)

**Аннотация:** Қиз бола турмуш қургандан сўнг унинг ижтимоий муҳитдаги мавқие тубдан ўзгариши асосида унга нисбатан бошқаларни ва ўз-ўзига бўлган муносаати ўзгариши кузатилади. Уларнинг авлодларидан мерос бўлиб қолган ўзбек оиласининг урф-одатлари, ёшларга муомилани ўргатиш, қобиляят, ақл, ишонч ва соғлиқ билан таъминлашга қаратилган.

**Калит сўзлар:** Никоҳ-оила муносабатлари, оила одоби, севги, муҳаббат, оила бахти, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш.

Оила - ижтимоий институт сифатида унинг аъзолари ёши, касби, фарзандларнинг сони, никоҳ ёши, эр-хотинларнинг миллий мансублиги, ҳудудий жиҳатдан яшаш жойини инобатга олган ҳолда таснифланади ва ўрганилади. Оиладаги муҳитнинг соғломлиги аввало аёлга боғлиқ бўлганидек, жамиятдаги маънавий муҳитнинг соғломлиги бевосита оилага ва оила тарбиясига маъсул бўлган онага боғлиқдир [1].

Қиз бола турмуш қургандан сўнг унинг ижтимоий муҳитдаги мавқие тубдан ўзгариши асосида унга нисбатан бошқаларни ва ўз-ўзига бўлган муносаати ўзгариши кузатилади. Мазкур ўзгаришга нисбатан ўзида ишончни шакллантира олган қиз бола янги оиласида қисқа муддатда ўз ўрнига эга бўла олади. Оила қуришга ўзида ишончни шакллантиришига энг асосий туртки ролини ўйновчи омиллардан бири бу - ўз-ўзига йўриқнома бериши яъни, оилага тайёрлик ҳолатининг ҳар томонлама ўстириш ҳисобланади. Янги келинлик мавқега мослашиш албатта, тажриба ва билимларга асосланади. Шуларга кўра, ҳар қандай турмуш қуриш ёшига етган қиз ўзининг ютуқлари ва камчиликларини тафаккурида ақлан таҳлил қилиб ўзи келин бўлгач амалга оширадиган хатти-ҳаракатларини тасаввур эта олиши керак.

Таълим тарбия орқали шахснинг ҳаёт фаолиятига эътибор қаратиш, шахс тарбиясининг асоий омилларидан биридир. Жамият ҳаётининг ўзгариши, маълум жиҳатдан оилага, унинг аъзоларига боғлиқ бўлганлиги боис, бу муаммони ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб жараён ҳисобланади. Ҳар бир миллат оила ва у билан боғлиқ жараёнга алоҳида эътибор қаратиб, оила ҳақидаги билимларни, тасаввурларни ва қадриятларни авлоддан авлодга етказиб келмоқдалар.

Бўлажак оналаримиз эса ҳозирги куннинг ёш қизларидир. Қомусий олимларимиздан бири Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг “Қайси бир миллатни яқсон қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини - бўлажак оналарни тарбиядан чиқаринг. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини - бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг” деган фикри ҳозирги куннинг ҳам долзарб мавзуларидандир.

Миллатнинг қизлари илмли, тарбияли ҳамда ақлли, оилавий ҳаётга нисбатан ҳар томонлама тайёр бўлса, оиладага муҳит ҳам соғлом ва оила мустаҳкам, фаровон бўлади. Шунинг учун қизларнинг оилавий ҳаётга маънавий-психологик тайёргарлик ҳолати, уларнинг психологик етуклиги муҳим аҳамиятга эгадир[7].

Инсоннинг психологик етуклиги бу ўз олдига эришиши муқаррар бўлган ва имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўйиши, турли яшаш шароитларига мослашиш, турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олишидир. Албатта, бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Улар оилада қизларга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ўзбек қизларида оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги ўрнини ўрганиш мақсадида “Қизларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини ўрганиш” номли ижтимоий-психологик сўровнома ўтказилди.

Сўровнома натижалари қизларнинг оила ҳақидаги тасаввурлари оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир этувчи никоҳ олди омилларидан бири сифатида намоён бўлди. Уларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурлари қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигининг бош гарови эканлигини кўрсатди. Қуйида тадқиқот натижаларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Респондентларнинг “Аёл ва эркак оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқли деб ҳисоблайсизми?” деган саволга берилган жавоблардан кўринадики, қизларнинг бўлажак турмуш ўртоқ ҳақидаги тасаввурларига кўра уларнинг 40 фоизи “оилада эркак доимо устун бўлиши керак деган жавобларни беришганлиги маълум бўлди.

Ушбу кўрсаткичлар ўзбек қизларининг оилада эркакнинг мавқеи ҳақидаги тасаввурларида миллий кадриятларимизнинг таъсири устунлик қилишини кўрсатади. Респондент қизлар тасаввурларида эркаклик мақоми оилада устун бўлиши керак эканлиги, оиланинг муҳим қарорларини эркаклар қабул қилиши кераклиги ҳақидаги фикрлари устунлик бўлишини кўрсатади.

“Эр-хотинлар бир-бирлари билан қанча кам мулоқот қилсалар шунча низолар кам бўлади” деган таъкид билан мурожаат этилганда, бу таъкидни нотўғри деб ҳисоблайдиган қизлар 43 фоизни, тўғри ва ҳақиқатга яқин томони ҳам бор деб билувчилар эса 57 фоизни кўрсатди. Қизлар томонидан берилган бундай жавоблар уларнинг тасаввурлари бўйича эр-хотин муносабатида мулоқот қилиш ва оилада соғлом муҳит ярата олиш масаласида хавотирланиш борлигини кўрсатади.

“Сиз ўзингизнинг турмуш ўртоқ родини бажаришга тўлақонли таёр деб ҳисоблайсизми?” деб берилган саволга 16 ёшдан ошган қизларнинг 11 % гина турмуш ўртоқ родини бажаришга тўлақонли тайёр деб ҳисоблашликлари маълум бўлади. Бу эса қизлар тасаввурларида келажақдаги эр-хотин муносабатида низоли ҳолатлар вужудга келганда катта хавотирланиш борлигидан далолат беради. Бундай ҳолат маълум бир вазиятга нисбатан хавотирланиш ва ўзига ишонч даражаси суст бўлган шахсларнинг оилавий муносабатлардаги айрим вазиятларнинг ечимини

топишда қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин[7]. Чунки, улардаги шахсий маънавий-психологик етуклик фазилатлари ва вазиятни ижобий ҳал қилишда психологик кўникмаларнинг етарли эмаслиги шахсий хавотирланишнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридаги кўрсаткичларга кўра, респондент қизларнинг оилавий ҳаётда эр-хотин муносабатларидаги низоли вазиятларни енгиб ўтишда ўзларига нисбатан ишончлари даражаси паст эканлиги кузатилади. Шунинг учун қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга оиладаги соғлом муҳитни яратишда эр-хотин муносабатларининг ўрни, эр-хотин муносабатларида низоли вазиятлар ва уларнинг олдини олиш малакаларини, сабр-тоқат, ирода бир-бирини тушуниш, меҳр ва садоқатли бўла олиш хислатларини ривожлантириш талаб этилади.

Қолаверса, респондентлардан олинган натижалардан маълум бўладики, кўпгина ҳолатларда айрим ҳудудларда қизларни жуда эрта турмушга узатилиши уларнинг оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиб шаклланмасликларига ва натижада турли хил оилавий ҳаёт вазиятларда тўғри йўл тутишлари малакасининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаётганлиги кузатилади[4]. Шунинг учун қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш талаб этилади. Афсуски, жамиятимизда қизларнинг истаклари ва хоҳишлари билан ҳисоблашмайдиган ва эрта турмушга узатиб юборадиган ота-оналаримиз ҳам баъзан учраб туради. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда таълим муассасаларида, маҳаллаларда ота-оналар билан учрашувларни ташкил этиш ва аҳоли орасида эрта никоҳнинг олдини олиш тарғиботини олиб бориш яхши натижа бериши мумкин.

Сўровномада қатнашган қизларга “Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оналик масъулиятига тайёр деб ҳисоблайсизми?”- деган савол билан мурожаат этилганда, 12 фоиз қизлар “ҳа, тўлиқ тайёрман” жавобини танлаганликлари, қолган 88 фоиз қизларимиз эса оилавий ҳаётга тўлиқ тайёр эмасликларини, ўзларини тайёр деб ҳисобламасликларини ҳамда бу борада билимлари камлик қилишини таъкидлаганликлари кузатилди.

Ушбу кўрсаткич қизларда оналик масъулиятининг катта эканлигини англаган ҳолда, бунга тайёр бўлиш учун билимлари ва тасавурлари камлик қилишини, ўзларида оналик масъулиятига нисбатан тўлиқ ишонч бўлиши учун янада кўп изланишлари ва аниқ билимларни олишга нисбатан юқори истаклари мавжудлигидан далолат беради. Бу ўз навбатида биринчидан, қизларнинг тасавурларида репродуктив саломатлик; ҳомиладорлик ва туғруқ; оналик масъулияти; комил инсонни тарбиялашда оиланинг ва онанинг ўрни; фарзанд тарбиялашда ёш хусусиятларини инобатга олиш; оналикка тайёрлашда маънавий-психологик билимларини шакллантиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатади. Иккинчидан, эрта туғруқнинг олдини олиш зарурлигини тақоза қилади. Чунки, 16 ёшдан ошган қизлар тасавурларида оналик ролига нисбатан хавотирланиш борлиги келажак авлодни соғлом тарбиялашда билимлари ва ўзларида ишончнинг етарли эмаслиги кузатилади[5].

Респондентларга “Сиз келин сифатида қайнона билан самимий ва беғараз муносабатларга киришишга тайёрмисиз?” - деган савол билан муурожаат этилганда, 24 фоиз қизлар “тўлиқ тайёрман”, 28 фоиз “унчалик тайёр эмасман”, 24 фоиз “тайёр эмасман” жавобини танлаганликлари кўзга ташланди. 24 фоиз қизларимиз эса “бу борада билимларим кам деб ҳисоблайман” деб жавоб беришган.

Олинган натижалардан маълум бўладики, кўпчилик қизларимиз тасаввурларида “қайнона” образи салбий тасаввур сифатида шакланган ва улар шунинг ҳисобидан қайноналар билан муносабатга киришишга қийналадилар. Бундай тасаввурларни ўзгартириш “қайноналар” ҳақидаги афсоналарни камайтириш, никоҳ олди тасаввурларда қайноналарга нисбатан ижобий муносабатларни шакллантиришда зарур чораларни кўриш заруриятини тақоза қилади. Бундан ташқари олинган натижалар қизларнинг оилага тайёрлик ҳолатлари билан ҳам боғлиқ жараён бўлиб, қизларга қайнона-келин муносабатларида ижобий муҳитни яратишга оид миллий кадриятларимизга асосланган ҳамда маънавий-психологик билимларни тарғиб қилишимиз кераклиги талаб этилади.

Юқоридагиларни мухтасар қилиб таъкидлаш мумкинки, ёшларнинг ва айниқса, қизларнинг оила ҳақидаги тасаввурлари оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир этувчи никоҳ олди омилларидан бири сифатида намоён бўлди. Уларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурлари қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг гарови эканлигини кўрсатади.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Акрамова Ф.А. Оилада соғлом психологик муҳитни таркиб топтиришнинг ижтимоий-психологик асослари. ўқув-услубий қўлланма.Т., 2014. 185 б.
2. Ходаков Н.М. Ёшкелин-куёвларга. 3-нашр. – Тошкент, 1990.
3. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. / Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида / – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 б.
4. Умаров Б. Болалар тарбияси бузилиши ва унинг олдини олиш юзасидан ота-оналарга маслаҳатлар. / Ота-оналар, ўзини ўзи бошқариш маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, маҳалла посбонлари учун услубий қўлланма.– Т.: “TURON-IQBOL”, 2012. - 44 б
5. О. Э. Эшмуродов “Оилавий муносабатларда шахс мослашувчанлиги хусусиятининг оила мустаҳкамлигига таъсири” «Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журнали  
DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.21.57.012> (2021 йил Махсус сон) 378 б
6. Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449>
7. Eshmurodov, O. (2022). ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ.

8. Eshmurodov, O. (2023). OILAVIY MUNOSABATLAR BARQARORLASHSHUVIDA MILLIY QADRIYATLARNING ANAMIYATI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8238>
9. Eshmurodov, O. (2022). ЎЗБЕК ОИЛАСИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ . Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/7449>
10. Jabborov, X., & Eshmuradov, O. (2023). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИШЛАРИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8394>
11. Abdullayeva, S., & Eshmuradov, O. (2023). ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ САМООПРЕДЕЛЕНИЕ И ВЫБОР ПРОФЕССИИ УЧАЩИМИСЯ В ПСИХОЛОГИЧЕСКОМ ЗНАНИИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8395>
12. М.А.Тилакова, & О.Э. Эшмуратов (2021). КРЕАТИВ КОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. Scientific progress, 1 (6), 143-149.
13. Каршибаева Г. А., Ибайдуллаева У.Р.Оила психологияси. Ўқув қўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент.2022 й.
20. Каршибаева Г. А., Абдуасулов Р.А. Психологик маслаҳат. Ўқув қўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент.2022 й.